

**“G’alla-Alteg” АЖ акциядорларининг
навбатдан ташқари умумий йиғилишининг
2-сонли баённомаси**

2022 йил 30 июн

Тошкент шаҳри

*Ўтказилиш жойи – Элбек кўчаси, 37 уй “G’alla-Alteg” АЖ мажлислар зали
Йиғилиш бошланиш вақти – 10.00*

Акциядорлик жамияти Кузатув Кенгаши номидан Кузатув Кенгаши раиси Ш.Донаев сўзга чиқиб, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини очиш учун акциядорларни рўйхатга олиш натижаларини кўриш ва кворумни аниқлаб олиш зарурлигини айтди. Сўз ҳисоб комиссияси раиси О.Гафуровага берилди.

О.Гафурова 2022 йил 24 июн ҳолатига ёпилган акциядорларнинг реестри бўйича навбатдан ташқари умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган 2 557 377 овозга эгалик қилувчи 668 та акциядор киритилганлигини маълум қилди. Ҳисоб комиссияси натижаларига кўра, ушбу йиғилишга 1 704 703 дона овоз берувчи акцияларга эгалик қилган 29 та акциядор қатнашаётганини, бу умумий жойлаштирилган акцияларнинг 66,66% ини ташкил қилганини ва йиғилишни очиш учун қонунчиликда белгиланган мўқдорда кворум етарлигини айтди.

Кворум мавжудлигини ҳисобга олиб, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини очиш таклифи берилди ва овозга қўйилди.

Акциядорлар томонидан ушбу таклиф бир овоздан қабул қилинди.

Акциядорлар томонидан қуйидаги 3 кишидан иборат навбатдан ташқари умумий йиғилиш президиумини сайлаш таклифи берилди:

1. “Ўздонмахсулот” АК вакили ва Кузатув Кенгаши раиси Донаев Шероли Бурханович

2. Ижроия органи раҳбари - Кадиров Абдуворис Абдувоситович

3. Корпоратив масалалар бўйича маслаҳатчи – Каримов Камол Сафоевич

Акциядорлар томонидан навбатдан ташқари умумий йиғилишини олиб бориш учун Кузатув Кенгаши раиси Донаев Шероли Бурханович, умумий йиғилиш котибалигига Акромова Лобар Худайбергановнанинг номзодларини тасдиқлаш таклиф киритилди ва овозга қўйилди. Акциядорлар томонидан навбатдан ташқари умумий йиғилиш раиси ва котибаси бир овоз билан тасдиқланди.

Йиғилиш раиси – Ш.Б.Донаев

Йиғилиш котибаси - Л.Х.Ақромова

Кузатув Кенгаши томонидан **санок комиссиясига** куйидаги номзодларни сайлаш таклифи берилди:

1. Гафурова Озода Акбаровна - етакчи иқтисодчи.
2. Мирзаходжаева Гулнора Шухратовна- ҳисобчи
3. Юлдашева Даврия Равшановна – ҳисобчи

Акциядорлар томонидан очиқ овоз бериш йўли билан санок комиссияси таркиби бир овоздан тасдиқланди. Йиғилиш раиси жамият Кузатув Кенгашининг 2022 йил 09 июндаги йиғилиш қарори билан тасдиқланган куйидаги акциядорларнинг навбатдан ташқари **умумий йиғилишини куйидаги кун тартибини ўқиб эшиттирди:**

1. Умумий йиғилиш ишчи органи таркибини сайлаш.
2. Санок комиссияси аъзолари сони ва таркибини сайлаш.
3. Умумий йиғилиш кун тартибини тасдиқлаш.
4. Умумий йиғилиш иш регламентини тасдиқлаш.
5. Жамиятнинг устав капиталидаги “Ўздонмахсулот” АКнинг акциялар пакетини оммавий савдоларга чиқарилишини ташкил этиш бўйича “Лойиха офиси”ни жорий этиш ва унинг фаолиятини мувофиқлаштирувчи жамият бошқарув раиси ўринбосари лавозимини ташкил этиш бўйича жамиятнинг ташкилий тузилмасига тегишли ўзгартириш киритиш ҳамда тасдиқлаш тўғрисида.

6. Жамиятнинг ташкилий тузилмасига киритилаётган ўзгаришлардан келиб чиқиб, корхона ички норматив хужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида.

Йиғилиш раиси кун тартиби билан йиғилганларни таништиргандан сўнг, ушбу йиғилишни куйидагича регламент билан олиб боришни ўқиб эшиттирди;

Йиғилиш раиси биринчи, иккинчи, учинчи ва тўртинчи масалаларнинг ҳар бири бўйича 5 дақиқа, бешинчи ва олтинчи масала бўйича 15 дақиқাগача, ҳамда танаффус билан жами 1 соатда йиғилишни тугатиш белгиланганлигини билдириб, кун тартиби, шунингдек иш регламентини тасдиқлаш таклифини берди.

(Иш регламенти илова қилинади. Илова №1).

Йиғилиш раиси кун тартибидаги биринчи, иккинчи, учинчи ва тўртинчи масалалар акциядорлар томонидан очиқ овоз бериш орқали тасдиқлаб олинганлиги сабабли, кун тартибидаги бешинчи масалани кўриб чиқиш таклифини киритди.

Кун тартибидаги бешинчи масала юзасидан йиғилиш раиси Ш.Донаев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев

раҳбарлигида 2022 йил 11 май куни ўтказилган йиғилиши 40-сон баёнининг (16.05.2022 й № 02-РА 1-7554-сон топшириқ) 9-банди ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 19 майдаги 03/1-1180-сон топширигининг 9-банди ижросини таъминлаш мақсадида “Ўздонмаҳсулот” АК тизимидаги хусусийлаштириладиган ҳар бир дон корхонасида “Лойиҳа офиси”ни ташкил этиш белгиланганлигини маълум қилди.

Жамият Кузатув кенгашининг қарорига асосан жамиятнинг устав капиталидаги “Ўздонмаҳсулот” АКнинг акциялар пакетини оммавий савдоларга чиқарилишини ташкил этиш бўйича “Лойиҳа офиси”ни жорий этиш ва унинг фаолиятини мувофиқлаштирувчи жамият бошқарув раиси ўринбосари лавозимини ташкил этиш бўйича жамиятнинг ташкилий тузилмасига тегишли ўзгартириш киритиш ҳамда тасдиқлаш бўйича таклиф киритилди.

Шундан сўнг ушбу масала овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари қуйидагича бўлди:

| т/р | Тарафдорлар | Қаршилар | Бетарафлар |
|-----|----------------------|----------|------------|
| 5 | 1 704 703 (100 фоиз) | Йўқ | йўқ |

Кун тартибидаги **олтинчи** масала юзасидан кенгаш аъзоларидан К.Примов сўзга чиқиб жамиятнинг ташкилий тузилмасига киритилаётган ўзгаришлардан келиб чиқиб, корхона ички норматив ҳужжатларига белгиланган тартибда тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши лозимлигини билдириб, ташкил этилаётган “Лойиҳа офиси” ва унинг фаолиятини мувофиқлаштирувчи жамият бошқарув раиси ўринбосарининг функция ва вазифаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, ҳамда янги жорий этилаётган жамият бошқарув раиси ўринбосари лавозимига ва “Лойиҳа офиси”даги иш ўринларига хусусийлаштириш бўйича малакали кадрларни саралаш ҳамда ишга олиш юзасидан белгиланган тартибда тегишли чораларни амалга ошириш таклифини бериб овозга қўйди ;

Овоз бериш натижалари қуйидагича бўлди:

| т/р | Тарафдорлар | Қаршилар | Бетарафлар |
|-----|----------------------|----------|------------|
| 6 | 1 704 703 (100 фоиз) | Йўқ | йўқ |

Кун тартибдаги масалаларни муҳокама қилиб, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

1. Умумий йиғилиш ишчи органи қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

Президиум аъзолари:

1) “Ўздонмахсулот” АК вакили ва Кузатув Кенгаши раиси Донаев Шероли Бурханович -

2) Ижроия органи раҳбари - Кадиров Абдуворис Абдувоситович

3) Корпоратив масалалар бўйича маслаҳатчи – Каримов Камол Сафоевич

Умумий йиғилиш котибаси - Акромова Лобар Худайбергановна

2. Санок комиссияси таркиби қуйидагича тасдиқлансин:

Санок комиссияси раиси – Гафурова Озода Акбаровна;

Санок комиссияси аъзолари: Мирзаходжаева Гулнора Шухратовна, Юлдашева Даврия Равшановна.

3. Умумий йиғилиш кун тартиби тасдиқлансин.

4. Умумий йиғилиш иш регламенти тасдиқлансин.

5. “Galla-alteg” АЖда “Ўздонмахсулот” АКнинг акциялар пакетини оммавий савдоларга чиқарилишини ташкил этиш бўйича “Лойиҳа офиси”ни жорий этиш ва унинг фаолиятини мувофиқлаштирувчи жамият бошқарув раиси ўринбосари лавозимини ташкил этишни назарда тутувчи жамият ташкилий тузилмаси иловага асосан тасдиқлансин.

6. Жамиятнинг ташкилий тузилмасига киритилаётган ўзгаришлардан келиб чиқиб, корхона ички норматив ҳужжатларига белгиланган тартибда тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилишини;

- Ташкил этилаётган “Лойиҳа офиси” ва унинг фаолиятини мувофиқлаштирувчи жамият бошқарув раиси ўринбосарининг функция ва вазифаларини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқланишини;

- Янги жорий этилаётган жамият бошқарув раиси ўринбосари лавозими ва “Лойиҳа офиси”даги иш ўринларига хусусийлаштириш бўйича малакали кадрларни саралаш, ҳамда ишга олиш юзасидан белгиланган тартибда тегишли чораларни амалга оширилишини таъминласин.

Йиғилиш раиси

Ш.Б.Донаев

Йиғилиш котибаси



Л.Х.Акромова

Баённома имзоланган сана « _____ » _____ 2022 й.